



Михсиз қурилган қадимий масжид!



06:16 / 03.11.2018 2784

Дунёдаги энг антиқа масжидлар билан таништиришда давом этамиз. Бугун биз Туркияга, яна ҳам аниқроғи дунёдаги энг қадимий ёғоч масжидлардан бири жойлашган Самсун вилоятининг Чоршанба туманига йўл оламиз.


"Бунинг нима ҳайратланарли жойи бор экан", – дерсиз. Гап шундаки, ушбу масжидни қуришда мутлақо михдан фойдаланилмаган! Гёжели масжиди – 1206 йилда бирорта ҳам мих ишлатмасдан ёғочдан қурилган иншоотдир. Масжиднинг майдони 392 кв.м. ни ташкил этади, у ўз ичига 300 нафар намозхонни
сиғдира
олади.



Масжид ҳалигача ўз фаолиятини олиб боради, ҳар ҳафта бу ерга мусулмонлар жума намозини адо этиш учун йиғилишади.



Гёжели масжиди Анатолия турк ёғоч меъморчилигининг энг чиройли обидаларидан бири ҳисобланади. Бино саккиз юз йил аввал бир тўсинни иккинчи тўсиннинг орасига киргизиш бўйича алоҳида усул ёрдамида қурилган. Зилзилабардош уланмалар туфайли масжид бузилмаган ва ўзининг бирламчи кўринишини сақлаб қолган.



Ушбу масжиднинг қурилиши борасида турли хил қарашлар мавжуд. Уларнинг бирига кўра, масжид салжуқийлар султони Ғиёсиддин Кайхусрав томонидан Манцикертдаги машҳур жангдан кейин бунёд этилган. Бошқа маълумотларга кўра эса, уни ҳарбий лашкарлардан бири қурган. Масжиднинг ёшини ёғочнинг махсус тадқиқотларини ўтказган мутахассислар ҳам тасдиқлашди. Нима бўлганда ҳам масжиднинг маҳаллий аҳолига нафақат байрам кунлари, балки одатий кунларда ҳам фойдаси тегиб туриши одамни қувонтиради.

Islom.uz портали таҳририяти